

## ЗАМОНАВИЙ МИГРАЦИЯ МУАММОЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8019202>

**Хайтов Ҳусан Қодирович**

*Ўзбекистон республикаси қуролли кучлари*

*Академияси факултет бошлиги*

*E-mail: xaitov@com.zu*

### **Аннотация.**

Уибу мақолада дунёда юз бераётган миграция унинг сабаби ва оқибатлари Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнлари қандай кечмоқда ва бунинг ортидан қандай ўзгаришлар юз берини мумкин муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари хақида сўз юритилган.

### **Калит сўзлар.**

*миграция, аҳоли, материк, мавсумий, гарб, дин, географик, худуд, дунё.*

Бугунги дунё мамлакатлари халқлари ҳаётида миграция янги босқичга чиқди. Олдинги юз минг ёки миллионларни қамраган бу ижтимоий жараён бугунги кунга келиб, юзлаб, миллионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор бўлиб қолмоқда. Миграция ўзи нима? Унинг сабаби ва оқибатлари қанақа? Ўзбекистондаги миграция жараёнлари қандай кечмоқда ва бунинг ортидан қандай ўзгаришлар юз беради?

Миграция жараёни аҳоли худудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик вужудга келгандан буён шакилланиб, ривожланиб келмоқда. Аҳоли миграцияси буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб, кенг миқиёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Ташқи миграциянинг асосий сабаблари - иқтисодий қийинчилик, сиёсий берқарорлик, миллий низо ва урушлар бўлса, ички миграциянинг сабаблари ҳам шунга ўхшаш бўлиб, булар ҳам - иқтисодий танглик, мавсумий иш, миллий низо ва урушлар натижасида содир бўлиши мумкин. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуқтаи назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти бекиёсdir. Миграция хусусиятлари кўра - ўз **ҳоҳшига** ва **мажбурий** миграция турларига бўлинади. Ташқи миграция кўпроқ иқтисодий сабаблар билан боғланган. Худудий қамровига қараб - **материкларга** ва **материк ичидаги** миграцияларга ажратилади. Давом

этиши бўйича доимий ва мавсумий миграция турлари мавжуд. Доимий миграциялар уй-жой ва иш жойининг тамомила ўзгартириш билан боғлиқ аҳоли кўчишлари билан боғлиқ бўлиб, у миграциялар ичida асосий ўрин эгаллайди.

Ҳозирда дунё бўйлаб деярли 300 миллион нафарга яқин муҳожирлар бор. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, улар сони 2000 йилга нисбатан 48 фоизга ортган. Ушбу рақамларга Ўзбекистонлик муҳожирлар ҳам киритилганлиги ҳисобга олиб, юртдошларимиз энг кўп йўл оловчи мамлакатлар бешлиги қўйидагича: Россия, Қозогистон, Жанубий Корея, Туркия ва АҚШ. Айнан ана шу давлатларга йўл олган муҳожирлар хориждаги оддий инсонлар томонидан йўлланган маблағларнинг катта қисмини яқинларига жўнатиш орқали ўз шахсий эхтиёжларини қоплайдилар.

**Мехнат миграцияси** - меҳнатга лаёқатли инсонларнинг юқори даромадли иш илинжида бир давлат ичida ёки давлатлараро қўчишидир. Бу ўз ўрнида жуда кучли иқтисодий омил бўлиб, бир тарафдан ишчиларга бўлган талабни қондирса, иккинчи тарафдан ишсизлик муаммоси оғир бўлган худудлардаги тарангликни юмшатишга хизмат қиласди.

Муҳожирлар оқими бўйича юз йиллардан бўён дунёда АҚШ еткачиликни қўлдан бермай келмоқда. Бу давлатда 50 миллионга яқин муҳожирлар яшайди ва уларнинг ичida расмий маълумотлар бўйича 60 мингга яқинини ўзбекистонликларни ташкил этади. Узок йиллар бу борада Германия иккинчиликни сақлаб турган эди, аммо Россия кумуш медални немислар юртидан "тортиб олди". Саудия Арабистони, БАА каби давлатлар ҳам муҳожирларга "бой" давлатлар хисобланади. Буюк Британияда ҳам 10 миллионга яқин муҳожирлар истиқомат қиласди. Россия бу борада фақат АҚШдан ортда бормоқда ва яъни бу давлатда 15 миллионга яқин муҳожирлар мавжуд. Бунинг ўзига хос ва айнан Ўзбекистонга боғлиқ бўлган сабалари бор. Чунки Россиядаги меҳнат муҳожирларининг мутлақ қўпчилиги ҳамюртларимизни ташкил қиласди.

Россия Федерал Миграция хизмати маълумотларига кўра, 2018/2019 йиллар Россияда Марказий Осиё давлатларидан қарийиб 4 миллионга яқин меҳнат мигранти қайд этилган бўлиб, шундан деярли ярми - аникрофи 2 миллионга яқини ўзбекистонликлар. Кейинги ўринда Тожикистон, Қозогистон, Кирғизистон ва Туркманистон давлатлари фуқароларига тўғри келади. Сўнгги йилларда Россияда мигрантлар учун патент қилиш, регистрация тўловлари нархларининг баландлиги, Ғарбнинг Россияга нисбатан устама-уст

қўллаётган санкциялари натижасида, россиядаги иқтисодий инқизорзининг кескинлашиши, Марказий осиёлик меҳнат муҳожирларини ортга қайтишга мажбур қилмоқда.

Осиёнинг жадал ривожланаётган Жанубий Корея, кўп йилларки, муҳожирларни катта миқдорда қабул қилиб келади. Маълумотларга қараганда ушбу мамлакатдаги иш ўринларини кўплаб яратилаётганлиги ўз ўрнида меҳнат бозорини кенгайишига олиб келмоқда. Саноат тараққий этган ушбу давлатда ўзбекистонликлар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жанубий Корея айнан меҳнат муҳожирлиги бўйича Ўзбекистон учун катта йўналиш бўлиб қолиш билан бирга, ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Аввало, Кореяга фақат малакали ишчиларни, тилни минимал даражада билишни ва меҳнат қонунчилигига риоя этиш талабини билиши ва риоя қилиниши талаб қилинади.

Туркия давлат миграция нуқтаи назаридан бизнинг тилимизга ўхшашлиги, виза талаб қилинmasлиги, ўзбек диаспорасининг кўп сонлилиги, иқлими ва энг муҳими тўланадиган ҳақ миқдори ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини тобора ўзига тортмоқда. Аммо бу ерда ҳам ўзига хос жиҳати бор - Россия, Жанубий Корея каби давлатларга асосан эркаклар ишчи кучи сифатида йўл олса, Туркияга қўпроқ аёллар пул топиш учун боришади. Бунинг ҳам ўзига хос аҳолининг миграциясининг объектив ва субъектив хусусиятларига боғлиқлиги мавжуд.

Дунёнинг энг ривожланган ва бадавлат давлати АҚШга йўл олган ўзбекистонликлар сони совет иттифоқи тарқалганидан кейин кескин ошган. АҚШда ишлаш истагини билдирган аксарияти фуқароларимиз йилдан-йилга мураккаблашиб кетаётган виза олиш, мусулмон миллатига нисбатан кўйилаётган баъзи бир таъкидларга доир қийинчиларга дуч келмоқда.

Қозогистон ён қўшни давлат хисобланиб, ушбу давлатга ўтиб ишлаш кўпчилик учун ички миграция сингари қабул илинади. Тилидаги ва урф-одатлардаги уйғунлик, худудий яқинлик, қариндошлиқ ришталарининг мавжудлиги ва Қозогистон иқтисодиётининг кўп йиллар давомида жадал ривожланганлиги бу давлатга йўл оловчи муҳожирлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларни ечимини топиш мақсадида Ўзбекистонда қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Мухтарам юртбошимиз томонидан оқилона ташқи сиёsat юритилиши натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдада қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат

муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Мехнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури" қабул қилинган. Ўзбекистон фуқароларининг чет давлатларга чиқиб, меҳнат муҳожири сифатида фаолият кўрсатиши Ўзбекистоннинг Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа давлатлардаги элчихоналари, консулийк ёки миграция ваколатхоналари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, хукуматлараро иккитомонлама шартномалар талабларини қайтадан кўриб чиқиш, меҳнат муҳожирларига қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Мисол тариқасида, Россия давлатида ишлаш истагини билдирган ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини хукуқларини ҳимоялаш мақсадида, юртбошимиз саъий-харакатлари орқали Россия хукумати билан бу борада хукуматлараро шартнома имзолашга мувофиқ бўлинган. Бу ўз ўрнида Россиянинг ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларига оид сиёсатини ўзгартирган.

Шу билан бирга Ўзбекистонда бошқа давлатлар иштироқидаги ўтказилаётган меҳнат миграцияси форумларини ташкил қилиниб, миграция соҳасида ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари имзоланиши йўлга қўйилиши ва бошқа фаол тадбирлар амалга ошириш орқали эришилмоқда.

*Хулоса* ўрнида айтишимиз мумкинки, аҳоли миграциясининг юзага келиши ўз навбатида, ҳар кандай шароитда ҳам у ёки бу давлатлардаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий фаровонлик, миллатлар, динлар ўртасидаги тенглик

ва ўзаро ҳамжиҳатликка чамбарчас боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳоли ноқонуний миграцияси Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар

ва жаҳон ҳамжамияти билан дўстона, ўзаро ҳурмат ва тенг шерикчилик асосида олиб бораётган сиёсатига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – 95 б.
2. Ереминко В.А. Миграция и его проблемы. – Украина, 2019. – 125с.

3. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021. – 22с.

4. Ф. Умаров. Развитие профессиональной компетентности будущих офицеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.01 – теория педагогики. История педагогических наук Ташкент - 2021. – 21с.